

**АНДИЖОН ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА
ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ ХАТАР ОМИЛЛАРИНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА 21 ЙИЛЛИК ЎЗГАРИШЛАРИ**

Н. С. Мамасолиев,
И. Р. Асқаров,
Н. С. Хакимов,
О. С. Салоҳиддинов

Андижон давлат тиббиёт интитути

Долзарблиги

Ҳозирги клиник, терапевтик ва эпидемиологик ҳолат тахлили бўйича хулоса қилиш мумкинки, мазкур касалликлар кечишида, даволашда ва профилактикасида хатар омилларининг ролига етарлича эътибор қилинмайди. Ваҳоланки, ушбу касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишида вируслар, чекиш, алкоголь, семизлик, гиподинамия, нутритив омиллар, арте-риал гипертензия каби хатар омилларининг роли жуда каттадир. Яна, адаби-ётларда кўрсатилишича, ушбу касалликларнинг “анъанавий модифи-цирланувчи хатар омиллари” деб ном олган сабабларини (жинс, алкоголь суистеъмоли, этник гуруҳ, вирус юкламаси, ҳамроҳ касалликлар) профилак-тикасининг самарали янги усулларини яратиб бериш - замонавий гепатоло-гиянинг умидли ва истиқболли йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Изланишнинг мақсади. Андижон шароитида ижтимоий аҳамиятга эга жигар касалликлари хатар омилларининг тарқалиши ва 21 йиллик ўзгаришлари.

Изланиш материаллари ва усуллари. Тадқиқотга 18-74 ёшли, Анди-жон давлат тиббиёт институтининг клиникаси бўлимларида сўровномали, биоким-ёвий, инструментал, функционал ва аутопсия усуллари билан тасдиқланган сурункали гепатит ва жигар циррози билан 2000-2020 йилларда даволанган бемор эркак ва аёллар популяцияси (4585та) ўрганиб чиқилди.

Изланиш натижалари. Тадқиқот натижалари тахлили тасдиқладики, 2000-2020 йиллар сурункали гепатитлар (СГ) билан умумий 18-90 ёшли аҳоли популяциясида, асосий эпидемиологик хатар омиллари қуйидагича аниқла-ниш ва эволюцияланиш частотаси билан қайд қилинди: чекиш –

12,9 ва 7,6 фоиздан (динамикада 5,3 фоизга камайиш билан, $P<0,05$), гиподинамия – 14,2 ва 7,1 фоиздан (7,1 фоизга камайиш билан, $P<0,01$), алкоголь истеъмоли (АИ) – 10,8 ва 7,1 фоиздан (3,7 фоизга камайиш билан, $P<0,05$), нутритив омиллар (НО)– 38,3 ва 10,7 фоиздан (27,6 фоизга камайиш билан, $P<0,001$), ортиқча тана вазни (ОТВ) – 5,0 ва 6,7 фоиздан (1,7 фоизга ортиш билан, $P>0,05$), артериал гипертензия (АГ) – 15,8 ва 5,8 фоиздан (10 фоизга камайиш билан, $P<0,001$).

ЖЦ билан умумий популяцияда: чекиш -27,5 ва 34,8 фоиздан, 6,3 фоизга ўсиш билан ($P<0,05$), гиподинамия – 27,5 ва 29,9 фоиздан, 2,4 фоизга ортиш билан ($P<0,05$); АИ – 21,3 ва 28,1 фоиздан, 6,8 фоизга кўпайиш частотаси билан ($P>0,05$); НО – 59,2 ва 62,5 фоиздан, 3,3 фоизга ортиш билан ($P>0,05$); ОТВ – 12,9 ва 17,4 фоиздан, 4,5 фоизга ўсиш билан ($P>0,05$); АГ – 20,8 ва 10,7 фоиздан, 10,1 фоизга камайиш частотаси билан ($P<0,05$).

Хулоса. Жигар континуумини асосий хатар омилларига боғлиқ ҳолда аниқланиш частотаси ва 21 йиллик эпидемиологик тавсифи бўйича 9 та хатар омили кузатилди: чекиш, гиподинами, алкоголь истеъмоли, нутритив омил-лар, ортиқча тан вазни, артериал гипертензия.